

TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО
общественный электронный
ЖУРНАЛ

JOURNAL
2022

№3

Бош мұхаррир:

Пардаев А.Х. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

Бош мұхаррир ўринбосари:

Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факультети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

Масъул котиблар:

Сайдов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Хұжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Тахририят аъзолари:

1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Ахмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Х. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Фойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярматов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Сайдқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомилов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Сайдов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Гофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

**ЎЗ ДАВРИ ВА ЎЗИДАН КЕЙИНГИ БАРЧА ЗАМОНАЛАРНИНГ
БУЮК Даҳоси**

Г.Л.Тилавова, У.С.Тўпчиев
Жиззах ДПИ ўқитувчилари

Аннотация: ушбу мақолада ўз даври ва ўзидан кейинги барча замонларнинг буюк даҳоси - Абу Райхон Беруний ҳаёти ва ижоди, шунингдек аллома қарашларининг дунё илм-фани ва маданиятида, умумбашарий цивилизация тараққиётидаги муносиб ўрни каби масалалар ёритилган.

Аннотация: В данной статье речь идет о жизни и творчестве Абу Райхана Беруни, великого гения своего времени и всех последующих времен, а также о достойном месте взглядов ученых в мировой науке и культуре, развитии общечеловеческой цивилизации.

Annotation: This article deals with the life and work of Abu Rayhan Beruni, the great genius of his time and all subsequent times, as well as the worthy place of the views of scientists in world science and culture, the development of human civilization.

Калит сўзлар: Шарқ Ренессанси, буюк қомусий алломалар, Абу Райхон Беруний, ал-Хоразмий, Форобий, ал-Фарғоний, Ибн Сино, Имом Бухорий, "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", "Геодезия", Маҳмуд Ғазнавий, Ж.Сартон, И.Ю.Крачковский.

Ключевые слова: Восточное Возрождение, великие ученые-энциклопедисты, Абу Райхан Беруни, аль-Хорезми, Фараби, аль-Фаргани, Ибн Сина, Имам Бухари, «Памятники древних народов», «Геодезия», Маҳмуд Газнави, Дж. Сартон, И. Ю. .Крачковский.

Keywords: Eastern Renaissance, great encyclopedic scientists, Abu Rayhan Beruni, al-Khwarizmi, Farabi, al-Farghani, Ibn Sina, Imam Bukhari, "Monuments of ancient peoples", "Geodesy", Mahmud Ghaznavi, J. Sarton, I.

Мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихини ҳар томонлама холис, илмийлик асосида ўрганиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу масаланинг нақадар долзарб эканлигига Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам ўзининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида алоҳида урғу бериб: "...олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг

Тарих ва Жамият илмий журнали

муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур”- дея таъкидлаган эди¹

Бу жараёнда халқимизнинг умуминсоний маданият хазинасидан муҳим ўрин олган қадимий ва бой маданий-маърифий, фалсафий ҳамда илмий мероси алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов ўринли таъкидлаганлариdek: “Биз миллий тарихимизнинг шонли саҳифаларига назар ташлар эканмиз, буюк боболаримиз-Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларимизнинг жаҳон цивилизациясига нақадар тенгсиз ҳисса қўшганларини билиб оламиз. Шу маънода, тарих биз учун чексиз ғурур-ифтихор манбаидир².

Юқорида қайд этилган улкан илмий-маънавий меъросга эга, жаҳон илм-фанига буюк ҳисса қўшган, илк ўрта асрлар фанининг энг ёрқин намоёндаларидан бири бўлган аллома Абу Райҳон Берунийдир. Берунийнинг улкан илмий меросини холисона ўрганиш ва тўғри таҳлил этиш, аллома асарларига мурожаат этиш, уларни таржима қилиш ва олимнинг фалсафий ва табиий-илмий қарашлар тизимини тадқиқ этиш бугунги куннинг энг долзарб мавзуларидандир. Илм-фannинг деярли барча соҳалари билан шуғулланган Абу Райҳон Беруний (973-1048) Хоразм Маъмун академиясида ўзига хос ўрин тутган, 150 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган.

“Улуғ қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин. Унинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўлёзмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради”³.

Ўрта Осиёдаги IX-XII асрларда рўй берган ижтимоий-маданий ва маънавий ривожланишни Шарқ Ренессанси дастлабки босқичининг энг ёрқин ва натижаларга бой бўлган кўринишларидан бири сифатида таъкидлаш лозим. Ҳақиқатдан ҳам, замонавий Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари Шарқ Ренессансининг энг йирик ва машҳур намояндалари қаторида аввало ушбу минтақада олим сифатида шаклланган ватандошларимизни тилга олади.

¹ Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига килган Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил, 29 декабрь. 3-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили-буюк келажагимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўкув қўлланмана. Т.:Ўқитувчи, 2012, 9-бет.

³ Биринчи Президент Ислом Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутки. 16.05.2014 йил.

Тарих ва Жамият илмий журнали

Манбаларда қайд этилишича, Хоразм Маъмун академиясининг илмий раҳбари Беруний бўлган. Берунийнинг Маъмун академиясидаги илмий фаолияти унинг ҳаётида муҳим бир босқич сифатида намоён бўлгани маълум. Бошқа олимлар қаторида Беруний ҳам табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида жаҳон фанига йирик ҳисса бўлиб қўшилган илмий кашфиётларни амалга оширган.

Беруний “Геодезия” номли асар ёзди ва шу номдаги фанга асос солади⁴. Мазкур асардаги Ер сайёрасининг меридиан градуси тўғрисидаги маълумотлар айниқса диққатга сазовордир. Ернинг меридиан градуси, ҳозирги ҳисоб-китобларга қўра, 110275 метрни ташкил этади. Берунийнинг ҳисоб-китобига қўра, 110895 метрга тенг бўлганди. Беруний ҳозирги замонавий асбоб-ускуналарнинг ҳисоблашига нисбатан 620 метрга янглишган эди. Лекин Беруний эришган натижа ўша давр учун энг юқори аниқликдаги қўрсаткич эди.

Ғарбий ярим шарда яхлит бир қуруқликнинг, кейинчалик Америка деб аталган қитъанинг мавжудлигини Беруний XI асрдаёқ, яъни европалик олимлардан 450 йилча олдин тахмин қилган ва бу ҳақда ўз асарларида бир неча бор ёзган. Христофор Колмуб ўз саёҳатига кўп йиллар мобайнида тайёргарлик кўрган. Шу мақсадда Шарқ сайёҳлари ва олимларининг, хусусан, Берунийнинг асарларини ўқиб чиқкан.

Узоқ йиллар давомида европалик олимлар Ер шарининг тасвири бўлган глобусни 1492 йили германиялик олим Мартин Бехайм ясаган деган фаразни ёқлаб келишди. Ҳолбуки, немис олимларидан 500 йил аввал, яъни 995 йили Беруний бу ишни илмий асосда амалга оширган эди.⁵

Таъкидлаш лозимки, бу вақтда Моварауннахрда қораҳонийлар мустаҳкам ўрнашиб олган эди. Амударё билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳудудларда эса Маҳмуд Ғазнавий ҳокимияти мустаҳкамланиб, Ҳиндистон, Бағдод халифалиги, қораҳонийлар ва Хоразмдаги маъмунийларни хавф остида қолдирган эди. 1017 йили Маҳмуд Ғазнавий(998-1030) Хоразмни босиб олиб, маъмунийлар давлатини тутгатади ва давлат тепасига ўз ноибларини қўяди. Шу йили Беруний бошқа олимлар қатори Ғазнага мажбуран олиб кетилади⁶.

Шундай қилиб, Беруний ўз ҳаётининг сўнгги ва айни пайтда самарали қисмини Ғазнада кечирган. Манбаларда қайд этилишича, Беруний ўзининг Ғазнадаги ҳаётининг даслабки йилларида анча қийинчиликларга дуч келаган, уларга бардош берган. Кейинроқ Беруний аста-секин илмий тадқиқот

⁴ Отахўжаев А. Абу Райҳон Беруний. Т., “ABU MATBUOT-KONSALT” нашриёти, 2011, 21-бет.

⁵ Шермуҳамедов П. Даҳонинг туғилиши ёхуд Абу Райҳон Беруний қисмати. Т., Ворис, 2009, 49-бет.

⁶ Эшов Б, Одилов А. Ўзбекистон тарихи. Янги аср авлоди. Т., 2014, 352-бет.

Тарих ва Жамият илмий журнали

ишларига берилди. Унинг самарали илмий ишлари Маҳмуд Ғазнавийнинг ворислари Масъуд(1030-1041) ва Маъдуд(1041- 1048) замонида давом этган.

Берунийнинг илмий фаолияти, ёзган асарларига ўз замонидаёқ юксак баҳо берилган эди. Масалан, машхур тарихчи Абул Фазл Байҳақий шундай ёзади: “Устоз Абу Райҳон оғзаки ижодиётда, нарсалар моҳиятини тушунишда, геометрия ва фалсафада шундай билимдан эдики, унинг замонида унга тенг келадиган бошқа киши бўлмаган”⁷. Шунингдек, Шарқ ва Ғарб олимларидан Ж.Рено, Э.Захау, Г.Зутер, Э.Видеман, К.Наллино, Ж.Сартон, Р.Райт, М.Мейерхоф, С.Х.Наср, М.Козим, С.Бараний, М.Низамуддин, Ш.Ялткай кабилар Беруний ижодига юксак баҳо бердилар. Америкалик тарихчи олим Ж.Сартон Берунийнинг меросига энг олий баҳо бериш билан бирга, унинг ўз даврининг жаҳондаги биринчи донишманди деб баҳолайди. Машхур шарқшунос олим И.Ю.Крачковский Беруний меросига юқори баҳо бериб, “унинг қизиққан илм соҳаларидан кўра қизиқмаган соҳаларини санаб ўтиш осондир” деб, алломанинг қомусий ақлини яна бир бор таъкидлаб ўтади⁸.

Шунингдек, буюк бобокалонимизнинг илмий-маънавий меросини ўрганишдан ташқари, унинг умри ва турмуш тарзидан ҳам биз ибрат олсак арзийдиган жиҳатлари жуда кўп. Зоро, алломанинг ҳаётининг охирги дамларига қадар тинмай илмий изланишда бўлиб, юздан ортиқ илмий ва маънавий асарлар ёзиб қолдирганлигининг ўзи бир олам ибрат бўлса, ҳаёти давомида бошидан кечирган қийинчиликлар ва синовлар, уларга сабр ва матонат билан бардош бериб, енгиб ўта олганлигининг ўзи биз учун яна бир ибрат намунасидир.

Айниқса Берунийнинг Маҳмуд Ғазнавий билан бўлган муносабатлари, ҳукмдорнинг алломани синаш учун қўллаган усуслари-ю, бундай вазиятлардан усталик ва ҳозиржавоблик билан чиқиб кета олганлиги бунга далиллар.

Масалан, кунларнинг бирида Султон Маҳмуд Берунийдан имтиҳон олмоқчи бўлиб, унга ғазаб билан савол берган: “Дилимда бир нарсани беркитдим, айтгин, у нимадир? Қасрнинг 12 эшиги бор, мен қайси биридан чиқаман-у, қай биридан кираман?”. Абу Райҳон бир оз ўйлаб, сўнгра султоннинг ушбу саволига ўз жавобини бир вараққа ёзиб, варақни буклаб қўйибди. Шундан сўнг, султон қасрнинг рўпарасидаги деворни бузиб, янги эшик очишни буорибди ва шу эшиқдан чиқиб, хохлаган эшигидан қайтиб кирибди. Кейин Абу Райҳон Берунийдан саволига ёзган жавобини олиб ўқиб қараса, шундай сатрлар ёзилган экан: “Сарой девори тешилур, янги эшик

⁷ Абул-Фазл Байҳаки. История Масъуда. Перевод А.К.Арендса. –Т., 1962. -С.587.

⁸ Маънавият юлдузлари. Тўпловчи ва масъул мухаррир Ҳайруллаев М. А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси. Т., 2001,109-бет.

Тарих ва Жамият илмий журнали

очилиб ташқарига чиқилур ва хохлаган эшикдан қайтиб кирилур”. Султон алломанинг донолиги ва топқирлигидан баттар дарғазаб бўлиб, вазирига Берунийни қаср томидан ташлаб ўлдиришни буюрибди. Аммо, вазир Хўжа Ҳасан Берунийни хурмат қилас, шунинг учун султонга билдирмасдан уни ўлимдан қутқариб қолган экан. Бир неча қундан кейин султон Берунийни халок этганига афсусланиб, надомат чекибди. Шунда Хўжа Ҳасан султондан узр сўраб: “агар омон берсангиз, Абу Райҳон хузурингизга келади”, дебди. Беруний қайтиб, саройда яна ўз фаолиятини давом эттирган экан⁹.

Ёки, яна бир мисол. Берунийнинг бир дўсти-қози Валволижий бир маҳаллар олим билан сұхбатлашганда “ал-Жаддот ал-фосида” ҳукуқига-меросни тақсимлаш илмига доир бир масала устида гап очган-у, сұхбат қандайдир сабаб билан чала қолиб кетган. Бир неча йилдан сўнг ўша дўсти ўлим ёстиғида ётган Берунийдан хол сўрагани келган. Оғир нафас олишига, кўкраги сиқилишига қарамай, Беруний ундан ўша масалани яна сўраб қолган. Дўсти Берунийнинг аҳволи танглигини кўриб “Хозир вақти эмас” деса ҳам олим унамаган. “Эй баҳтли ўртоқ! Бу оламга келган ҳар кишининг у дунёга кўчмоғи зарурийдир. Мен бу дунё билан хайрлашаётиман. Ўша масалани билмай кетганимдан кўра билиб кетганим яхшироқ эмасми?” деб қистаган, сўнгра дўстидан ҳалиги масалани билиб олгач, шу хусусидаги ўз фикрини охирги нафасигача айтиб берган-у, дунёдан кўз юмган.¹⁰

Юқоридаги келтирилган мисоллардан кўринадики, Беруний умрининг охирига қадар ижод билан машғул бўлган. Ёқут Ҳамавий унинг кексалигидаги ҳаётини таърифлаб, унинг бирон вақт ҳам қўли қаламсиз, қўзи назарсиз ва дили фикрсиз бўлмаганлигини, тинчликни машаққатдан ва кундузни кечадан ажратмаганлигини ёзган: “У йилда фақат икки бор: Наврўз(мартдаги янги йил) ва Мехржон(кузги хосил йиғиш) кунларигина тирикчилик учун етарли овқат ва бир оз кийим-кечак жамғариб қўярди” деган.

1048 йилга келиб, яъни умрининг охирларида Берунийнинг соғлиги ёмонлашади, кўзлари хиралашади, лекин унинг илм-фан оламига киритган янгилик ва кашфиётлари, кенг фанлар соҳасини, айниқса, унинг асарларини мутолаа қилиш асносида тараққий этган европа фанининг “кўзини тийрак қилиб очиб қўйди”. Беруний ўзининг ҳар бир асарини ўзгача рух, ўзгача кайфият ва янгича иштиёқ билан ёзади. Шунинг учун унинг асарлари китобхонлар қалбida ҳам ўзгача фахр ва иштиёқ туйғусини ўргатади.

Берунийнинг табиий-илмий меросининг жаҳон фанида ўрганилиши ва тадқиқ этилиши билан боғлиқ жараённи таҳлил этиш орқали алломанинг бу борадаги назарий ва амалий қарашлари дунё илм-фани ва маданиятида,

⁹ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. Т., Ўзбекистон, 1981, 54-55 бетлар.

¹⁰ Ўша асар, 56-бет.

Тарих ва Жамият илмий журнали

умумбашарий цивилизация тараққиётида муносиб ўрин эгаллаши ва шунга яраша баҳоланиши қанчалик мураккаб ва кўпқиррали ҳодиса эканини яққол тасаввур этишимизга имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда, Берунийнинг билимга, фан сирларига иштиёқи нақадар юксак бўлғанлигини юқоридаги далилларимиз яққол исботидир. Бундан ташқари, алломанинг ҳаётининг охирги дамларига қадар тинмай илмий изланишда бўлиб, юздан ортиқ илмий ва маънавий асарлар ёзиб қолдирганлигининг ўзи бир олам ибрат бўлса, ҳаёти давомида бошидан кечирган қийинчиликлар ва синовлар, уларга сабр ва матонат билан бардош бериб, енгиб ўта олганлигининг ўзи биз учун яна бир ибрат намунасиdir. Шу сабабли, бугунги ёшларимиз буюк бобокалонимиз Беруний тўғрисидаги бу мисоллардан сабоқ олишлари, умрбод ўқиш ва тинмай изланишда бўлишлари кераклигини билишлари шарт.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил, 29 декабрь. 3-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили-буюк келажагимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.:Ўқитувчи, 2012, 9-бет.
3. Биринчи Президент Ислом Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. 16.05.2014 йил.
4. Абул-Фазл Байхаки. История Масъуда. Перевод А.К.Арендса. –Т., 1962. - С.587.
5. Маънавият юлдузлари. Тўпловчи ва масъул муҳаррир Ҳайруллаев М. А.Қодирий номидаги халқ мероси. Т., 2001,109-бет.
6. Отахўжаев А. Абу Райҳон Беруний. Т., “ABU МАТВИОТ-KONSALT” нашриёти, 2011, 21-бет.
7. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. Т., Ўзбекистон, 1981, 54-56 бетлар.
8. Шермуҳамедов П. Даҳонинг туғилиши ёхуд Абу Райҳон Беруний қисмати. Т., Ворис, 2009, 49-бет.
9. Эшов Б, Одилов А. Ўзбекистон тарихи. Янги аср авлоди. Т., 2014, 352-бет.